Юрий БОРЕВ,
Эстетика ва эркин санъат халқаро академияси президенти, филология фанлари доктори, профессор



ИСЛОМ ВА САНЪАТ

Ислом динини кўчманчилар эътиқоди сифатида талқин қилиш ўта хатодир; чунки бу дин VII асрда араб шаҳарлари Макка ва Мадинадаги савдогарлар ва меҳнаткашларнинг дини сифатида вужудга келган. Муҳаммад Пайғамбар шаҳарлик бўлган, унинг динига кирган мусулмонлар Яқин Шарқда янги шаҳарлар (Куфа, Бағдод ва б.) бунёд этишган.

Ислом билимдони Фритьёфу Шуонуа ёзганди: «Ислом — Худо билан оддий инсоннинг учрашувидир, шундай, инсон билан Худонинг учрашуви каби» (Schuon F. Understanding Islam. London, 1981. P.13). Худо ва Инсоннинг учрашуви бу замин тарихидаги икки уфқнинг учрашувидир. Ислом ишонч ва эътиқодгина эмас, ундан буюкроқ тушунча. Муҳаммад Пайғамбар томонидан имон билан исломнинг фарқи аниқ кўрсатилган: имон бу Худога, унинг муқаддас Китобига, фаришталарга, Расулига, Охират кунига, тақдири азалга ва бошқаларга ишонч демакдир. Ислом гувоҳлик беради ки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир (Badawi A. Histoire de la philisophie en Islam. I. Les philosophes theologiens, Paris, 1972).

Мусулмон манзараси — бу тоғлар қадар юксалган миноралардир. Миноралар масжид – Худонинг уйи, яъни Аллоҳ билан учрашув маскани ёнида қад кўтарган. Қуръони каримда ёзилганки: «Аъробийлар имон келтирдик, дейишди. Сиз: «Иймон келтирганингиз йўқ, лекин, бўйинсундик, денглар, ҳали иймон қалбларингизга киргани йўқ...» (49:14). Қуръони карим мусулмонларга «Кимки имон келтириб, амали солиҳ қилса, уларга хавфу хатар йўқ» деб белгилаб берган (Қуръон, 5:48). Таниқли француз файласуфи Муҳаммад Аркун террористларга эътироз билдириб ёзади: «Жиҳод биргина кураш йўли эмас» (Arkoun M. Current Islam

Faces its Tradition // Space for Freedom. The Search for Architectural Excellence in Muslim Society. The Aga Khan Award for Architecture, London, Boston, Singapore, Sydney, Toronto, Wellington, 1989).

Ислом ва ҳокимият алоқадорлиги мумтоз исломий қоидалар хусусиятлари билан боғлиқ. Мусулмон дунёси ўз ҳуқуқий тизими билан яшайди. Ҳуқуқий меъёрларнинг исломий тизимининг манбаси Қуръони каримдир. Мусулмонларга «шариат»даги ҳуқуқий майдонларда яшаш ва иш кўриш белгиланган. Исломнинг хусусиятларидан яна бири дин ва ҳуқуқнинг мустаҳкам алоқадорлигидирки, уларнинг асоси Аллоҳдир. Қуръони каримда айтиладики, «Аллоҳ марҳаматининг чеки йўқ».

Ислом бадиий маданияти мусулмон дунёсида VII асрдан буён вужудга келган ҳаётни қамраб олади. Муҳаммад Аркун таъкидлайдики, мусулмон бадиий маданияти учун ҳар қандай тилнинг асосини ташкил қилувчи янги хитоба (риторика), янги наҳв (синтаксис), янги маъно (семантика), янги истиора (метафора) назарияси зарур эди. Ислом амалий безак санъати (айниқса, безакдорлик – орнамент), меъморчилик, ҳусни хат (каллиграфия) ва адабиётда юксак интеллектуал-бадиий ютуқлар соҳибидир.

Эстетика. Тасаввуфда эстетик туйғу бу, аввало, диннинг гўзаллигини ҳис қилиб яшашдир. Унда гўзалликнинг уч тури: 1) мутлақ илоҳий гўзаллик; 2) илоҳий гўзалликнинг тажаллиси бўлган моддий дунё гўзаллиги; 3) инсон фаолиятининг маънавий гўзаллиги ўрганилади. Ҳадислардан бирига кўра, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади, яъни гўзаллик Илоҳий борлиқнинг атрибути тарзида қабул этилади. Ислом эстетикаси илоҳий Гўзаллик билан кишиларнинг кундалик ҳаётининг ўзаро алоқадорлигини белгилайди. Ислом эстетикаси илоҳий Гўзалликка алоҳида маъно беради, бу эстетик категориянинг хилма-хил шакллари, мазмун ва турларини ишлаб чиқилган. Шундай тарзда мусулмон тасаввурининг ранг-баранглигини ифода этувчи бир қатор эстетик тушунчаларнинг негизини анлатган сўзлар Қуръони каримда мавжуд: Жамил — гўзал, Ҳусн — гўзаллик, Комил — балоғат (етуклик), Соф — мусаффо, Нур — ёруғлик, Кабир — улуғлик ва бошқалар. Қуръони каримнинг эстетик кўлами жуда бойдир (Курбанмамедов А. Эстетическая доктрина суфизма. Душанбе, 1987.

Араб тилида маданиятни ифода қилувчи энг кўп тарқалган сўзлар *санъат* ва *фан* бўлиб, у бадиий ижод ва илмни ҳамда ҳар қандай ишнинг маҳорат билан бажарилишини англатади. Санъат ва билим ўртасида уқув ва тадбир борки, ислом уларнинг доимий алоқадорлигини таъкидлаб келган. Буни (таъбир жоиз бўлса) доимий суратда такрорланиб келган маҳорат соҳибларининг сўзларига кўра, санъат амалий тадбир ва донишмандликнинг ўзаро «никоҳи»дан туғилган, таъбири тасдиқлайди.

Меъморчилик. Ислом меъморчилиги тенгўлчовли ва ўзаро уйғун (гармоник) бўлиб, ички осойишталик ва сулҳпарварликни, улар Ер куррасининг яхлитлиги ғоясини ва ўлимдан кейинги ҳаётнинг абадийлигини ифодалайди. Жаҳоний миқёсдаги меъморчилик ёдгорлиги Санкт-Петербургдаги жомеъ масжидини олиб қаранг (Надточий Э. Развивая Тамерлана // Отечественные записки. 2002. № 6. С. 147–175). Бироқ Россия мусулмонлари бу меъморий ечимда турк анъаналарига суянишган. Бу ўринда Россия Олтин Ўрданинг ворислигидан келиб чиқиб, ЕвроОсиё эстетик тасаввурларининг бирлашуви сифатида рус-турк синкретизми акс эт-

ган бўлиши мумкин. Араб тилида «маданият» ва «шаҳар» тушунчалари бир ўзакли сўзлар бўлиб, Мадина – шаҳар номи, маданият эса унинг салоҳиятидир. Жаннат ҳам исломдаги моддий тушунчага кўра, шаҳар майдонидаги юксак бинолар билан бирга тасаввур қилинади. Ислом маданияти шаҳар муҳитининг юксак ҳосиласидир (Шукуров Ш.М. Образ Храма. Основания теменологии и храмового сознания. М., 2002).

Безак санъати (лотинча: ornamentum – безак) – ритмик такрорланувчи элементларнинг ўзаро уйғунликда безатилишидир. Ислом безак санъатида геометрик ва ўсимлик безаги фарқланади, ноисломий маданиятда эса яна ҳайвоний (зооморф) ва инсоний (антропоморф) безак ҳам фарқланади. Геометрик безак нуқталар, чизиқлар ва фигуралар (айлана, ромб, кўпбурчак, юлдуз, спирал ва бошқа)дан иборатдир. Ўсимлик безаги япроқлар, гуллар, мевалар ва шохларнинг услубан таркибланишидир. Гилам ва бошқа тўқилган маҳсулотларда, уйларнинг деворларида кузатувчи услубий уйғунликдаги безак санъатини кўради (арабески). Геометрик расмлар мавҳумроқ, улар аниқ туйғу ифодасига қаратилмайди. Шунинг учун ҳам улар ислом эстетик тасаввури учун муҳим ва қимматли. Ўзининг мавҳумийлиги, реалликдан ишоравийликка ўтиши билан ислом санъатида портретлар ва ҳиссий образларнинг ифодалари ўзгача дунёни кўриш имкониятини беради, инсонни бепоён чексизликни чекланган шаклларда ифодалайди. Ислом маданиятида такрорлар, айниқса, Аллоҳ исмининг такрори алоҳида қадрланади. Безак абадий такрор тамойилини вужудга келтиради. Исломий безакларнинг мавҳумийлиги фазовий ва дунёвий қарашларга эга, дунёнинг тузилиши ҳақидаги исломий тасаввурларни ифодалайди. Араб, форс, турк ва бошқа миллий, ирқий ва этник гуруҳлардан иборат мусулмонлик жамияти асосида бирлик ётади, улар аниқ бир халқнинг кўринарли ифодасига айланади. Шунинг учун безак санъатининг форс, турк, миср, андалус, малай каби мактаблари ўзаро фарқлидир. Шунингдек, ислом бу турли хил ижодий мактаблар маҳсулотларининг ягона ечимида иштирок этади.

Тасвирий санъат. Нафис миниатюралар қадимги китобларнинг, айниқса, Ўрта асрлар Шарқ шоирлари асарлари саҳифаларини безайди. Бу мусулмон санъатининг ажойиб етук ижодидир. Ортодоксал мусулмон учун Аллоҳни санам (бут) ва инсонни қиёфа (портрет) тарзида тасвирлаш манъ қилингани туфайли шундай тасвир маданияти қабул қилинган. Муқаддас ҳадисларда мусулмон кишиларининг тасвири ва ҳайвонлар расмларини фаришталар келиши мумкин бўлган уйларга (меҳробларга) осиб қўйиш ман қилинган. Мусулмон тасвирий санъати усталари шунинг учун ҳам бевосита Муҳаммад Пайғамбарнинг ёки ўзига севимли бошқа кишининг портретини яратишга уринмайдилар. Бу каби урфлар мусулмон кишиларининг маънавий ҳолатини пок сақлашга қаратилган бўлиб, мажусийлик қолдиқлари ва бошқаларнинг такрорланишидан ижод аҳлини тийиб туради.

Адабиёт. Ислом эътиқоди шоир, меъмор ва бастакор ижоди юзасидан ташқи назорат ўрнатишни зиммасига олмайди. IX асрнинг 2–ярмида Бағдодда, кейинроқ Шимолий Африка, Испания ва Ўрта Осиёда шеърият тасаввуфнинг тарқалиши учун омил бўлиб хизмат қилган. Аллоҳнинг улуғ каломи ҳамма жойда иштирок этиши жорий бўлган. Қуръони карим таржималарида У юксак

поэзия шаклида акс этган:

«Гўзал, мустаҳкам осмон билан қасам» (51:7)

«Тур билан қасам...

Сатрларга битилган китоб билан қасам... Ёзишга тайёрланган терига

Ва обод уй билан қасам.

Ва кўтарилган шифт билан қасам.

Ва тўлган денгиз билан қасам»

(52:1-6)

«Туннинг қоплаб келаётган пайти билан қасам.

Наҳорнинг тажалли пайти билан қасам.

Эркак ва аёлнинг яратилиши билан қасам.

Албатта, сизларнинг ишларингиз турличадур.

Аммо кимки (ато) берса ва тақво қилса,

Ва гўзални тасдиқ қилса,

Бас, Биз уни осонга муяссар қиламиз.

Ва аммо кимки бахиллик ва истиғно қилса,

Ва гўзални ёлғонга чиқарса,

Бас, Биз уни қийинга муяссар қиламиз.

У қулаган вақтда унга мол-мулки фойда бермас.

Албатта, ҳидоятга бошлаш Бизнинг зиммамиздадир.

Албатта, ҳам охират ҳам бу дунё Бизникидир.

Бас, Мен сизларни ловуллаган ўтдан огоҳлантирдим» (81:1-14).

Ҳусни хат – сўзнинг ёзувдаги ифодаси санъати араб маданиятида энг юксак даражага кўтарилган. Араб мақолида айтилишича, «Инсон гўзаллиги, тўғрироғи, унинг донишмандлиги унинг ёзувида (акс этади). Ҳусни хат услубига қараб, у кишининг саводхонлиги, маълумоти ва маънавияти даражаси ҳақида фикр юритишган. Арабшунослар айтишади: «Санъаткор, риёзатчи (математик) ва нозик услуб эгаси бир асарда мужассам бўлади» (Иордан М. В., Кузеев Р. Г., Червонная С. М. Ислам в Евразии. М., 2001).



Бу ҳол фақат араб жамиятидагина яшамаган. Ф.Достоевский «Телба» романининг Швейцариядан Петербургга келган қаҳрамони узоқ қариндошлари номлари билан таниша туриб, меҳмондан нимадир ёзиб бериш, ўз хатини кўрсатишини сўрайди. Меҳмоннинг ёзуви ҳусни хат эканини кўриб, уй эгаси меҳмонга айрим имтиёзлар беради. Ҳусни хат эгаси ҳамма муҳитларда Қуръони каримнинг оммалашуви сифатида қадрланган.

Форс маданиятида ҳусни хатга яқин янги санъат тури «хатти нагоший» (манзаравий ёзув) шаклланган.

Ислом санъатининг юксак ютуқлари амалий ва безак санъатида кўринади. Ислом заргарлиги, шишасозлиги маҳсулотлари, бадиий ишланган металлар, гўзал ва қудратли қуролсозлик ишлари, юксак бадийяти билан ривож топган гиламчилик ва кулолчилик санъати намуналари бутун дунё эъзоз ва эҳтиромини қозонган.

Ҳамид УБАЙДУЛЛОҲ таржимаси